Шарқ юлдузи

Ойлик
адабий-бадиий,
ижтимоий-сиёсий
журнал

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

5

1986

55-йил чиқиши

Бош редактор

Ўткир ҲОШИМОВ

Редколлегия:

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ
Саид АҲМАД
Абдусаид КЎЧИМОВ
(масъул секретарь)
Мурод МУҲАММАД ДЎСТ
(проза бўлими мудири)
Омон МУХТОРОВ
(поэзия бўлими мудири)
Умарали НОРМАТОВ
Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА
Хайриддин СУЛТОНОВ
Зоя ТУМАНОВА
Туроб ТЎЛА
Худойберди ТЎХТАБОЕВ
(бош редактор ўринбосари)
УЙҒУН
Ўлмас УМАРБЕКОВ
Носир ФОЗИЛОВ
Тўлапберген ҚАИПБЕРГЕНОВ
Азиз ҚАЮМОВ
Ҳамид ҒУЛОМ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

www.ziyouz.com kutubxonasi

УШБУ СОНДА

Наср



Одил ЁҚУБОВ

ОҚҚУШЛАР, ОППОҚ ҚУШЛАР...

Роман

Дейдиларки, дунёда оққушлардай беозор, пок, бегубор парранда йўқ эмиш. Мен ана шундай олижаноб қушлардаги бебаҳо фазилатларни оддий меҳнаткаш кишиларда кўраман. Айрим ҳолларда порахўрлик, ичвогарлик, мансабпарастлик каби иллатлар илдиз отган 80-йиллар бошида ҳам ўзларига гард юқтирмай покиза яшаб, ҳалол кун кўрган заҳматкаш бободеҳқонларимизни ўша гўзал оққушларга қиёс қилгим келади. Ва шу боисдан асаримнинг номини «Оққушлар, оппоқ қушлар...» деб атадим.

Шеърият




Икром ОТАМУРОДОВ

ЯРАДОР УМИД ОТЛАРИ

Публицистик достон

Бўғзидан қони қуйилиб,
ёлларидан тер ёққан
отни
елдириб келар,
елдириб келар,
ел-ди-риб ке-лар
бир бола —
УМИД...

Ҳикоялар хазинаси



Рабиндранат ТАГОР
Икки ҳикоя

Ўз ватаним учун қўлимдан келадиган ишнинг энг кичиги — миллионлаб ватандошларимнинг қаршилигига қўшилишдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

маънолари, аллюзиялари доирасида англаш бор. Бунга «Шоҳнома»да жуда доно ва гўзал ривоят келтирилган. Нўширавоннинг донишманд маслаҳатчиси Барзўй ҳиндларнинг бир китобини ўқиди. Унда айтилишича, Ҳиндистон тоғларида бир гиёҳ ўсади. Унинг ҳар япроғи шуъла таратиб туради. Шу япроқни кукун қилиб мурда устига сепилса, мурда тирилади. Барзўй буни ўқигач, тинчини йўқотиб, Ҳиндистонга йўл олади. Қанча-қанча алломаларни ўзига ҳамроҳ қилиб ўша гиёҳни қидирди. Гиёҳ топилмади. Китобда ёлғон гапни ёзган эканлар деб, Барзўй хафа бўлди. Шундан сўнг уни юртнинг энг қари донишманди билан учраштирдилар.

Донишманд Барзўйга сирни очди. Биз орзуни китоб айлаганмиз, деди. Бу — рамз. Гиёҳ — сўхандон, илм — тоғ, ўлган тана — илмсиз вужуд. Мурда дониш, маърифат билан тирилгай, деб жавоб берди. Чол Барзўйга «Панчатантра» китобини берди.

Ўқувчилар кўп ҳолларда китобнинг маъносини шундай, Барзўй каби тушунадилар. Бизга Комила ва Ўктамнинг адресини ёзиб юборсангиз, деб сўрайдилар. Ваҳоланки, ҳар чин мазмундор асарнинг маънолари қават-қават бўлади. Маъноси очиқ ва юпқа, бир қаватли бўлган асарларнинг умри узоққа бормайди. Бугун ёзилиб эртага унутилади. Кейинги йиллар ичида адабиётимизнинг мулки бўлиб қолган халқаро ва сиёсий тематикада яратилган асарлар маъносининг теран ва кўп қирралиги билан аҳамиятли. Улар ўқувчи диққатини жаҳон миқёсида инсон муносабатларидаги янгиликларга тортади. Бундай шеърларни халқлар ўртасида яқинлашиш поэзияси деб аташ мумкин эди. Совет миллатларининг илғор кишилари умумжаҳоний муомала ва муносабатлар доирасига чиқдилар. Шу мулоқотлар туфайли туғилган ажиб жараёнларда уларнинг ўзлари ҳам, улар билан учрашганлар ҳам ва бунга гувоҳ бўлган ўқувчилар ҳам фикран, маънан бойиб борадилар.

Олам граждanларининг ўзаро биродарлик туйғу ҳамда интилишлари мана шу тариқа шаклланади. Инсонларнинг бир-бирларини тушунишлари учун кенг йўллар очилаверади. Шунинг ўзи ҳам бу йўналишда қилинадиган долзарб ишлар қанчалар кўп эканлигини кўрсатади.

Умурзоқ Ўлжабоев

МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

«Совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги жасорати буюк ва енгилмасдир, — деган эди ўртоқ М. С. Горбачев Улуғ ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали мажлисда сўзлаган нутқида. — Уруш йиллари мислсиз кўп нарсани — жудоликлар алами ва ғалаба бахтини, шиддатли жанглардаги жасоратни ва меҳнат билан ўтган оддий кунларнинг камтарона улуғворлигини ўз ичига олади.

Бизнинг ғалабамиз Совет Иттифоқининг обрў-эътиборини баланд кўтарди. Бу ғалаба совет кишиларининг ватанпарварлик туйғуларини жўш урдириб юборди. Биз учун ғалаба илҳом манбаи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда, биз жуда катта бунёдкорлик режаларини амалга ошириш, Ватанимизнинг — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг қудратини мустаҳкамлаш ва уни янада равнақ топтириш учун ана шу манбадан ҳамиша куч-ғайрат олверамиз». Дарҳақиқат, совет кишиларининг бугунги кунда эришган барча муваффақиятлари, ер юзида тинчлик, тотувлик ва фаровон турмушга эришиш йўлида қўяётган ҳар бир қадами бевосита ана шу буюк ғалабанинг самарасидир. Совет халқининг даҳшатли уруш йилларидаги мардлиги ва жасорати адабиёт ва санъат арбоблари, ёзувчи ва шоирларимиз учун ҳам ҳар доим туганмас илҳом манбаи бўлиб келди. Урушнинг энг оғир йилларида барча совет ёзувчилари қатори ўзбек адиблари ҳам ғалабага ишонч руҳи билан суғорилган, халқни эрк ва адолат учун курашга, фидокорликка чорловчи жўшқин асарлар яратдилар. Оташин шоирларимиз Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Уйғун, Миртемирлар тенгсиз жангларда Ватаннинг ҳар бир қарич тупроғини кўкси билан ҳимоя қилаётган, жон олиб, жон бериб улуғ ғалаба кунини яқинлаштираётган фидокор фарзандларимизнинг қаҳрамонликларини, фронт орқасидаги мардона меҳнат лавҳаларини ҳарорат ва самимиятга тўла шеърларда ҳаққоний гавдалантирдилар. «Россия», «Кузатиш», «Соғиниш», «Кураш нечун?», «Капитан Гастелло», «Жангчи Турсун» каби шеър ва баллadалар халқимиз орасида катта шуҳрат қозонди. Уруш йилларида совет кишиларининг улуғвор фазилатлари, бой маънавий дунёсини, мустаҳкам иродасини ёрқин очиб бера олган Ғафур Ғуломнинг «Сен етим эмассан» шеъри бепоён Ватанимизнинг ҳамма бурчакларида жаранглаб, ёвга қарши курашаётган кишилар юрагига мадад берди.

Абдулла Қаҳҳорнинг «Олтин юлдуз» қиссаси, Комил Яшиннинг «Ўлим босқинчиларга», Уйғуннинг «Ҳаёт қўшиғи» драмалари, Ойбекнинг «Қуёш қораймас» романида бевосита жанг манзаралари, интернационал бурчини шараф билан бажараётган ўзбек жангчиси характерининг тобланиш жараёни ёрқин тасвирланди.

Улуғ Ватан уруши йилларида фронт орқасида фидокорона меҳнат қилиб, улуғ ғалабага катта ҳисса қўшган ўзбек кишиларининг образлари Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон», Асқад Мухторнинг «Давр менинг тақдиримда», Саид Аҳмаднинг «Уфқ», Ҳамид Ғуломнинг «Тошкентликлар», Мирмуҳсиннинг «Дегрез ўғли», Иброҳим Раҳимнинг «Чин муҳаббат», Одил Ёқубовнинг «Эр бошига иш тушса» каби романларида ўз ифодасини топди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ўзбек адабиётида ҳарбий-ватанпарварлик мавзунинг ривожланишида Шуҳратнинг «Шинелли йиллар», «Олтин зангламас», Иброҳим Раҳимнинг айрим романлари ҳам алоҳида ўрин тутади. Бу борада ўзбек шеъриятида ҳам самарали изланишлар давом этмоқда.

Устоз адибларнинг ҳарбий-ватанпарварлик мавзуида яратган энг яхши анъаналарини кейинги авлодга мансуб ижодкорлар, айниқса ёш ёзувчилар муносиб давом эттираётгани ибратлидир.

Партия ва ҳукуматимиз ижод аҳли олдига қўяётган юксак талаблар асосида ана шу асарларга яқиндан назар ташлаш, уларнинг савияси, маҳорат даражаси, ютуқ ва камчиликлари ҳақида мулоҳазалар билдириш муҳим аҳамият касб этади.

Бир масалага эътибор қилайлик: Улуғ Ватан уруши кишиларимиз тақдирида, мамлакатимиз тарихида ўчмас из қолдирди, деймиз. Бунда чуқур маъно бор. Урушда қанча қурбонлар берилди, одамлар бошига қандай оғир кунлар тушди... Мана, орадан 40 йилдан кўп вақт ўтди. Ҳаётда кўп нарсалар ўзгарди. Халқимизнинг қаҳрамонона меҳнати билан уруш қолдирган машъум излар йўқотилди, вайроналар ўрнига ажойиб шаҳар ва қишлоқлар барпо этилди. Лекин одамлар қалбида уруш келтирган кулфатлар доғи ҳамон сақланмоқда. Орадан шунча вақт ўтишига қарамай, ҳозир ҳам баъзи оилаларда урушнинг кишини изтиробга солувчи асоратларига дуч келиб турамиз. Гоҳида ҳозирги куннинг бирор манзарасини чизишга бағишланган асарларда ҳам гап айланиб урушга тақалганини сезмаймиз. Масалан, ёш қаламкаш Дилбар Саидованинг «Дераза ортидаги оппоқ дунё» қиссасининг, бир қарашда, уруш темасига алоқаси йўқдек. У ҳозирги одамлар, уларнинг кундалик ташвишларию хаёлларини банд қилган муаммолар, ўзаро муомалалари ҳақида баҳс юритади. Қисса марказида ҳаётдан бахтини тополмаган, умрини ёлғизликда ўтказаётган бир аёл тақдири туради. Табиийки, бундай тақдирлар ўқувчини қизиқтиради. Ёзувчи ҳам аёлнинг шу аҳволга келиши сабабларини бадиий асослашга уринади. Уруш вақтида у госпиталда ишлагани, ўшанда жанг майдонидан ярадор бўлиб келган бир йигит билан севишгани кейинчалик маълум бўлади. Йигит тузалгач, уни фронтга кузатади ва у билан қайта кўришмайди. Уни узоқ кутади, самимий севги туфайли бошқа таклифларни рад этади. Кутиш фойдасиз эканлигини сезганда эса турмуш қуришга кеч бўлади. Шу тариқа у... «ўша оғир уруш йилларида илк марта ўз бахтини учратган ва мангуга йўқотган эди».

Демак, қалам аҳллари халқимиз ҳаётидаги муҳим ҳодисаларга ҳамиша мурожаат қилиб келган. Шу маънода ижодкорларнинг Улуғ Ватан урушига доир мавзуларга қўл ураётгани ажабланарли эмас.

Хусусан, Ўткир Ҳошимов ижодида бу давр билан боғлиқ воқеалар тасвири маълум ўрин эгаллайди. Тўғри, у ҳозирги ҳаёт, одамларни ўйлантираётган шу куннинг муаммолари ҳақида кўпроқ ёзади. Лекин замонавий мавзулар унинг уруш даврига мурожаат қилишига халақит бермайди.

Адабий танқидчиликда қизғин баҳсларга сабаб бўлган «Дунёнинг ишлари» асарининг таркибига кирган айрим новеллаларда ҳам шу мавзуга тааллуқли ўринлар бор. «Икки эшик ораси» романи эса бошдан-оёқ босқинчилик урушига қарши нафрат руҳи билан суғорилган.

Ёзувчининг «Урушнинг сўнгги қурбони» ҳикояси ҳақида адабий танқидчиликда маълум фикрлар билдирилди. Жумладан, адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжонов: «Ўткир Ҳошимовнинг «Урушнинг сўнгги қурбони» номли ҳикояси... ҳажм жиҳатдан кичик жанрда бўлса ҳам ҳикоянинг имкониятлари катта эканлигини кўрсатади», деб ёзади.

Бир қарашда ҳикоядаги воқеаларнинг урушга унчалик алоқаси йўқдек туюлади. Бунинг устига улар жуда қисқа вақт ичида — бор-йўғи бир кечада, ҳатто бир неча соат ичида бўлиб ўтади. Ҳикояни ўқиб, мағзини чақа бошлаганимиздан кейингина ёзувчи айтмоқчи бўлган гапнинг маъноси равшанлашиб, уруш даҳшатини яна бир бор ҳис қилгандек бўламиз. Унинг олови фақат жанг кечган жойларнигина эмас, балки ундан узоқ-узоқларни ҳам ўз комига тортганини бир оилада содир бўлган фожиа мисолида кўрамиз. Урушнинг тўрт йил давомида эсиб турган совуқ изғирини одамлар ҳаётини ночорлаштириб, асабларини толиқтириб қўйганини, шу жиҳати билан ҳам у инсонлар учун оғир бир қисмат эканини англаймиз.

«Урушнинг сўнгги қурбони» ҳикоясида бор-йўғи уч марта «уруш» сўзи тилга олинади. Лекин гап бунда эмас. Муҳими, ёзувчи ўша даврни қандай тасвирлай олишида, асардаги воқеаларга китобхонни қанчалик ишонтира билишида. Ҳикоянинг ҳар бир сатрида уруш изғиринлари эсиб тургандек бўлади. Эзгуликка мутлақо зид ҳодиса — инсон ҳаётини издан чиқариб юборадиган урушни лаънатлаймиз, у бўлмаганда шунча фожиали ишлар бўлмасмиди, Шоикромга ўхшаш одамлар бу қадар аянчли аҳволга тушмасмиди, деган гаплар хаёлимиздан ўтади.

Матёқуб Қўшжонов: бу ҳикоянинг айрим камчиликлари ҳақида шундай ёзади: «Урушнинг сўнгги қурбони»да ишонтириш заифроқ манзаралар, деталлар бор. Ҳикояга қараганда Шоикромнинг онаси электр сими ташлаб қўйилган қулупнайга ё кечаси, ё тонг қоронғусида чиққан бўлиши керак. Маълумки, кечаси ё тонг қоронғусида қулупнайнинг пишганини хомидан ажратиб олиш қийин. Бундан ташқари қулупнайга сув қўйилган бўлади. Сув қўйилган қулупнайга ҳам биров теришга чиқмаса керак... Демак, бу деталь ҳам етарли ишонарли эмас». Олимнинг бу мулоҳазалари ўринли.

Анвар Эшоновнинг «Европада қолган қабрлар» тўпламига кирган «Бир кам дунё» деган ҳикояси бор. Унда Муҳаббат Машрабовна исмли аёлнинг тақдири кўрсатилган. У — жарроҳ, таниқли олима, профессор. Бундоқ қараганда, у жуда бахтли одам бўлиши керак. Ахир, бу даражага етиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди-ку! Аммо у негадир ҳаётидан мамнун эмас, юрагида армон бор, ўзини бахтсиз деб ҳисоблайди. Бунга ёзувчи персонажлардан бирининг тилидан изоҳ беради. «Урушнинг касофати, — деди хўрсиниб ҳамшира. — Совуқ землянкаларда беҳаловат ухлашлар. Қуршовда қолиб, балчиқларда гулдай баданни зулукка сўрдиришлар. Кунига ўнлаб ҳаяжонли операциялар... Ҳаммаси оналик пуштини забун қилган эди». Бу, албатта, ўқувчига таъсир қилади. У орқали урушнинг яна бир ғайриинсоний табиатини тасаввур этамиз. Белорус адиби Светлана Алексиевичнинг «Уруш аёлларнинг иши

www.ziyouz.com kutubxonasi

эмас» номли ҳужжатли қиссаси ҳақида матбуотда кўп ёзишди. Асарда айтилишича, Улуғ Ватан уруши фронтларида саккиз юз мингдан ошиқ хотин-қизларимиз иштирок этган. Шулардан қанчаси омон қайтди экан? Уларнинг орасида уруш ҳаётига заҳар солган, Муҳаббат Машрабовнага ўхшаш бахти кемтиклар қанча экан?

Афсуски, «Бир кам дунё» ҳикоясининг ҳамма эпизодларидан шундай таассурот қолади дейиш қийин. Асарнинг бошидаёқ бир тасвир бизга ғалатироқ туюлади. Қаҳрамонлардан бири Жониқул Жабборов оғир операциядан чиққан, юрагининг тагидан уруш даврида қолган снаряд парчаси олиб ташланади. У энди ўзига келиб, илк бор кўзини очаяпти. Яқинида ҳомиладор ҳамширани кўради. Бирдан ўйлаб кетади: «Ҳар куни ер юзида 275 минг киши туғиларкан. Унинг боласи нечанчи бўларкин. Қизиқ, ҳар куни 130 минг одам оламдан ўтаркан. Вақти-соати етган бўлса ўзи нечанчи бўлиб дунёни тарк этаркин». Табиийки, бу рақамларни соғлом одам ҳам дабдурустдан эслаши қийин.

Кейинги воқеалар тафсилотида Жониқул билан Муҳаббат Машрабовнанинг бир фронтда бўлгани англашилади. Жониқулнинг кўзига профессор нимагадир иссиқ кўринади. «Ким операция қилганини билмайсизми?» деган саволига: «Ғира-шира эслаб қолгандим. Бари бир ҳозир кўрсам танимасам керак. Орадан ўттиз йил ўтди. Ҳаётми, йўқми, буни ҳам билмайман. Ўша қизни кўп кўргим келарди-ю, госпиталма-госпитал кўчаверіб, борган сари масофамиз узоқлашарди. Бунинг устига отини ҳам сўраб қолмапман», деб жавоб беради. Яна бир жойда у «ўша қиз менинг хаёлимда ширин тушдай бўлиб қолди», дейди.

Кўряпмизки, энди гап бошқа томонга бурилаяпти. Кўп кунлардан кейингина Жониқул ўз халоскорини танийди, биринчи марта уни шу қўллар операция қилганини эслайди. «Аммо буни Муҳаббатга қандоқ эслатса экан, ўттиз йил бир дарёдан сув ичиб, бирон марта йўқламаслик, жилла қурса, адресини топиб кези келганда қутлаб турмаслик...» Қаҳрамондаги бундай ҳолатга маълум даражада тушуниш мумкин. Чунки ўша кезлари, ёзувчининг таъкидлашича, у Муҳаббатга нисбатан бефарқ бўлмаган. Шундан сўнг диққатимиз Муҳаббатнинг хотираларига, хаёлида кечаётган фронт ҳаётига кўчади. Бунда у Жониқулга биринчи дуч келган пайтларини, ўрталарида бўлиб ўтган гап-сўзларни эслайди. Айтиш керакки, бу эпизодни ишонарли чиққан, мантиқан асосланган деб бўлмайди. Фақат бу учрашувдан иккаласида ҳам илиқ бир туйғу қолганини англаймиз. Жониқулни бошқа госпиталга олиб ўтишгач, Муҳаббат: «Қайтармикан... Яродор бўлиб қайтгунча, қайтмасин, аммо уни бир кўрсам, кошкийди...» деб ўйлаб қолади. Мана, энди ҳикоядаги бу икки қаҳрамон ўртасидаги муносабат ойдинлашгандек. Буни ёзувчи китобхонга севги-муҳаббат деб тушунтиришга мойил. «Муҳаббатнинг нозик кўнглида бир мангу армон, айтилмаган сўз, айтилмаган муҳаббат, айтилмаган сир қолади. Ўша сир унинг кўнгил қатламларида сирлигича қолиб кетди», деган гапларни шу маънода тушуниш мумкин. Бир жойда Муҳаббат Машрабовнанинг ўзи бу муносабатларни ҳеч иккиланмай «биринчи муҳаббатим» деб айтади. Бунга эътироз йўқ. Фронтда шундай севгилар, эҳтимол, учрагандир. Лекин ёзувчи китобхонга тақдим қилаётган тасвирлари бир-бирига зид эканини ё сезмайди, ёки эътибор бермайди. Айтайлик, улар бир-бирига илк бор дуч келган пайтларида Жониқулнинг «ҳушсизлиги» «иситмалаб, алаҳсираб бу кўзларни, бу қўлларни яхши эслаб қолмаган»лиги бизга маълум эди. Тасаввур қилингки, қаҳрамонлардан бири ўша кунларни шу даражада эсласа-ю, иккинчиси у ҳақда «биринчи муҳаббатим» деб турса — уларнинг қайси бирига ишониш керак? Умуман, шу ҳолатда улар ўртасида севги-муҳаббат бор эди, деган гапга ишониб бўлармикан? Бу ўринда тасвир мантиқида номувофиқлик борлиги шундоққина кўзга ташланади. Уни кейинчалик ёзувчининг ўзи ҳам сезган шекилли, ҳикоянинг иккинчи варианти — «Турналар учса қарайлик»да шунга ўхшаш бўшлиқларни тўлдиришга ҳаракат қилади. Қўшимча эпизодлар киритади. Жумладан, қаҳрамонларнинг муҳаббатига оид тафсилотлар бир оз кенгайтирилади. Шунингдек, Жониқулнинг уруш тугагандан сўнг нима учун Шукрия Шокировнани (энди қаҳрамоннинг исми нима сабабдандир ўзгартирилади) изламаганлиги сабабларига изоҳ берилгандек бўлади. Лекин ҳикоянинг қайта ишланган вариантида ёзувчи тасвирни янада тиниқлаштириши лозим эди. Аксинча, воқеалар кўпайиб кетади. Жанрнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинмайди. Натижада, ёзувчи айтмоқчи бўлган асосий гап хира тортиб, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатини психологик асослаш бўшашади, мантиқ заифлашади. Хуллас, ҳикоя жанрининг ҳам беқиёс, ҳам чегараланган имкониятлари ёзувчини чалғитиб қўйганга ўхшайди.

Бу жиҳатдан ёш адиба Шаҳодат Исахонованинг «Илинж» номли ҳикояси ҳам қизиқиш уйғотади. Унда уруш мавзусига оид оғир, ҳатто айтиш мумкинки, қалтис воқеа қаламга олинган. Ҳикоя қаҳрамони Мукар кампир, гарчи уруш тугаганидан бери кўп йиллар ўтган бўлса-да, ҳамон ёлғиз фарзандини кутаяпти. Бунга сабаб бор. У ўғли ҳақида «...бедарак йўқолди» деган қоғоз олган. Шу хабар онанинг кўнглига, ўғлим тирик, деган умид солади. Бу умид Мукар кампирни яшашга даъват қиладиган илинжга айланади. Бироқ бундай тасвирни адабиётимиз учун янгилик деб бўлмайди. Айниқса, ҳикоя жанрида бу мавзу анча яхши ишланган. Муҳими шундаки, «Илинж»да ўша бизга таниш бўлган асарлардаги гаплар такрорланмайди. Ёзувчи мавзуга бошқачароқ ёндашишга ҳаракат қилади.

... Мукар кампир қаттиқ тарақ-туруқ этган овоздан уйғониб кетади. Бирор нарса ағанаб тушдимикан, деб ўйласа, йўқ, ҳамма нарса — тахмондаги кўрпачалар ҳам, телевизор ҳам жойида турибди. Мушук-пушук чойнак-пиёлани туртиб юбормадимикан, деб хонтахта устига қарайди, улар ҳам жойида. Овоз яна қайтарилади. Эҳтимол, биров эшикни ураётган бўлиши мумкин, деб ташқарига — ҳовлига чиқади. «Йўқ, бу эшик эмас!» Энди овоз бир маромда эшитила бошлайди. Шундагина Мукар кампир бу овознинг «Қаҳрамонлар хиёбони»дан келаётганини англайди. «Вой, ўлмасам: мени қайси ғафлат босди? Ахир, эртага Ғалаба байрами-ку?» деган фикр хаёлидан ўтади. У безовталаниб, ҳаракатга тушиб қолади, кўмирхонанинг бир бурчагида турган мис самоварни олиб чиқиб, ўт қалайди. Бу иши учун «Ҳалига бориб одам кўпаяди. Битта чойнак билан чой етказиб бўлармишми...» деб кўнглида ўз-ўзига изоҳ бериб қўяди. Кўрпа-тўшакни йиғиштириб, ҳовлини супуришга тушиб кетади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳар куни ишлатиладиган чўлтоқ супурги бугун уни нима учундир қаноатлантирмайди, янгисини боғлайди... Қаҳрамондаги бу ҳаракатларнинг боиси кейин очилади. Маълум бўлишича, ҳар ғалаба байрами арафасида ҳамқишлоқлар шу ерга тўпланишадиган, ёлғиз ўғлини қачон бўлса ҳам кўриш илинжида умрини ўтказаётган кампирнинг хонадонини тўлдириб ўтирадиган, тўйхонага айлантириб юборадиган одатлари бор экан. Ҳатто Мукар кампир ўз уйида хизмат қилмай ўтиради, иззатда бўлади. Бу ишларни бошқалар қилишади. Унга бир оз ғалати ҳам туюлади. «Гўё ғалабани фақат менинг ўғлим қилган-у, бу байрам ҳам фақат унинг шарофати билан бўлаётгандай» деган фикрлар хаёлидан ўтади. Ёзувчи шу тарзда қаҳрамоннинг ички дунёсини муайян бир йўналишда оча боради.

Ёзувчи ҳикояда, бизнингча, муваффақиятли бир деталь қўллайди. Бу — «Қаҳрамонлар хиёбони»га қўйилган ҳайкал. Асарда муаллиф айтмоқчи бўлган асосий гап шу деталь атрофида синтезлашади. Аввало мазкур деталь воситасида онанинг кечинмалари, ҳолати яхши очилади. Қолаверса, асардан келиб чиқадиган драматик оҳангни, фожиавий маънони кучайтиришда аҳамият касб этади.

«Қаҳрамонлар хиёбони»да жасур солдатга ўрнатилган ҳайкалга Мукар кампирнинг ўғлининг қиёфасини беришади. Ёзувчи буни раис тилидан урушда ҳалок бўлган ҳамқишлоқлар ичида «ҳаммасидан ёши каттаси шу экан» деб асослайди. Ҳайкал «милтиқ тутган қўлларини Мукар кампир томон чўзганича, тош қотган» ҳолатда ўрнатилади. Ёзувчи қаҳрамоннинг руҳий ҳолати тасвирини маълум поғонага кўтаргач, асосий гапга ўтади. Чет элга саёҳатга борган кишилардан бири унинг ўғли билан қайсидир мамлакатда учрашиб қолади. Ўғли бу одамдан ўзининг тириклигини онасига билдириб қўйишини илтимос қилади. Кўряпмизки, шу тарзда қаҳрамондаги руҳий кечинмалар оқими бир йўналишдан иккинчисига ўтаяпти. Ёзувчи Мукар кампирнинг хаёлидан ўтаётган барча гап-сўзларни энди олдингидек батафсил тасвирлаб ўтирмайди. Фақат энг муҳим нуқталаринигина кўрсатади. Олдинги йўналишдаги тасвирда қўлланилган тафсилотлар кейинчалик қаҳрамоннинг руҳий драмасини очишда муҳим роль ўйнайди. Масалан, доимо «Бу байрам Ватан учун, халқ учун жасур ўғлонлар етказиб берган сиздай оналарнинг байрами, хола...» дейдиган уста Нурмат бу гал кампирни кўриб, ўзини ўрмаганга олади. Аввалари уйига одамлар тўпланишганда «Мукаррамбону, оқ шоҳи кўйлагингизни кийиб, қосавангизни пўримча қилиб ўраб приказ бериб ўтирсангиз-чи», дейдиган Эгамберди чол бу сафар у яқинлашганда бошқаларга қўшилиб турган жойидан жилиб қолади. Одамларда ўзига нисбатан муносабатнинг бу даражада ўзгариши она туйғуларини ларзага келтиради, уларга жавоб излайди. Бундан сал олдинроқ ўғли ҳақида бўлиб ўтган гапларни бирма-бир эслай бошлайди. Раиснинг «Хола, бунақа англашмовчиликлар бўлиб туради. Бу дўстимиз ҳам янглишган бўлса керак. Ўғлингиз қанақа йигит бўлганлигини биламиз. У ҳеч қачон бунақа қилмайди» дейишларининг маъносини энди англагандек бўлади. «Демак, ўшанда мени алдаган экан-да. Ғамни кўтаролмасдан ўлиб қолишимдан қўрқиб овутган экан-да» деган хулосага келади. Қаҳрамондаги бу ҳолатни кўрсатишда ёзувчи эҳтиёткорлик билан иш тутади. Ортиқча тасвирлардан ўзини тияди. Фақат бир ўринда қаҳрамоннинг шу ҳолатига дахлдор қилиб, «Мукар кампир ҳеч кимга қарай олмади» дейилса, бошқа жойда маънодор қилиб, «Хаёлида ҳамиша у томон талпинадиган ҳайкал энди кўкка боқиб турганга ўхшади» деб изоҳ берилади. Эътибор беринг: олдин ҳайкал унга талпиниб тургандек эди, энди эса, гўё онадан кўзини олиб қочаётгандек.

Ҳикояда эътирозли ўринлар ҳам йўқ эмас. Одамларнинг Мукар кампирдан бирдан кескин юз ўгириб кетиши унчалик ишонарли чиқмаган. Бир-бирига ҳамқишлоқ, ҳамдард бўлган одамларнинг бир муштипар кампирдан шунчалик тез узоқлашганига ишониш қийин. Бунинг учун бошқа асослар ҳам зарур бўлади. Ёзувчи қаҳрамон вазиятидаги драматизмни янада кучайтириш, унинг янада таъсирлироқ бўлиши учун шундай тафсилотларини берган. Лекин у ишонарли, ҳаётий бўлмаганлиги сабабли ўзини оқламаган.

Дарҳақиқат, ёзувчиларимизнинг ҳозирги авлоди қаламига мансуб асарлар Улуғ Ватан уруши мавзусида ижод қилиб келаётган катта адибларимизнинг асарларидан бир оз фарқ қилади. Уруш ҳақида қуруқ тасаввурлар билан ёзишнинг ўзига хос қийинчиликлари ҳам, маъсулиятли томонлари ҳам бўлиши турган гап.

Ҳаётнинг ўз қонунлари бор. Биз истасак-истамасак Улуғ Ватан уруши темасида асарлар яратиш тобора ёшроқ ёзувчилар зиммасига тушиб бораверади. Бу, шубҳасиз, улар олдига маъсулиятли вазифалар қўяди. Ушбу мавзуга мурожаат қилувчи кейинги авлодлар албатта уруш кўрган ёзувчиларнинг асарларидан, ижодий тажрибалардан кўп нарсалар ўрганадилар, ўзлари учун ибратли томонларни кашф этадилар. Ўша оғир синов кунларнинг иштирокчилари ҳукмига шу мавзуда ёзган асарларни журъат билан тақдим этган, ўзларида бу ишга маънавий жасорат сезган авлоднинг ижодий тажрибалари фойдадан холи бўлмайди. Демак, бу ижодкорнинг масъулият туйғусини янада оширади. Ҳам катта авлод талабига жавоб берадиган, ҳам кейинги авлодлар синовидан ўта оладиган асарлар яратишни тақозо этади.

---

www.ziyouz.com kutubxonasi